

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АДИЗОВА САРВИНОЗ РИЗОҚУЛОВНА

ПРЕЭКЛАМПСИЯ КУЗАТИЛГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА
АКУШЕРЛИК ВА ПЕРИНАТАЛ АСОРАТЛАР ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛАШ

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Адизова Сарвиноз Ризокуловна

Преэклампсия кузатилган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратлар истиқболлини белгилаш 3

Адизова Сарвиноз Ризокуловна

Прогнозирование акушерских и перинатальных осложнений у беременных с преэклампсией..... 27

Adizova Sarvinoz Rizokulovna

Prediction of obstetric and perinatal complications in pregnant women with preeclampsia 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АДИЗОВА САРВИНОЗ РИЗОҚУЛОВНА

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ КУЗАТИЛГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА
АКУШЕРЛИК ВА ПЕРИНАТАЛ АСОРАТЛАР ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛАШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib.1122 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ихтиярова Гулчехра Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Лагя Мирзатуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Каримова Феруза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бишкек халқаро тиббиёт институти
Қирғизистон Республикаси

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шоҳқўчаси, 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шоҳ қўчаси 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т.Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Н.Ш.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

М.А.Артыкова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. “Оналар саломатлиги ва омон қолиши соғлиқни сақлаш соҳаси ва ривожланишнинг глобал кун тартибиди биринчи навбатдаги вазифалари қаторида туриши керак”¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг бу кўрсатмаси асосида оналар саломатлиги борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда ва ЖССТнинг 2019 йилги “2000-2017 йилларда оналар ўлими тенденцияси” ҳисоботида Ўзбекистонда оналар ўлими коэффиценти 41 дан 29% га камайиб бораётганлигини кўрсатилган. Ўлим кўрсаткичи орасида ҳомиладорликнинг энг оғир патологияларидан бири бўлиб ҳисобланган преэклампсиянинг улуши катта бўлиб, у бутун дунёда оналар ва болалар касалланиши орасида етакчи ўринни эгаллайди. Статистик маълумотларга кўра преэклампсия ҳомиладор аёлларнинг 8-26% фоизида ташхисланади, оналар ўлимининг ўртача 11,8-14,8% ини ташкил этади, перинатал йўқотишлар асоратланмаган ҳомиладор аёлларга нисбатан 4 баравар юқори бўлиб ва преэклампсия фонида туғилган чақалоқларнинг касалланиш даражаси 64-78% ни ташкил этиб, улар орасида перинатал ўлим 18-30% ни ташкил этади². ЖССТ маълумотларига кўра, ҳомиладорлиги преэклампсия билан асоратланган онадан туғилган ҳар бешинчи болада жисмоний ва психоэмоционал ривожланиш бузилишлари кузатилади, бундан ташқари гўдаклик ва эрта болалик давридаги касалланиш даражаси физиологик кечган ҳомиладорликга нисбатан юқори бўлади.

Дунё миқёсида ушбу долзарб муаммони ўрганиш бўйича кўп сонли илмий-тадқиқотлар ўтказилиб келинаётганлигига қарамасдан, преэклампсиянинг этиологияси ва патогенези билан боғлиқ баъзи бир жабҳалар ҳанузгача ноаниқлигича қолмоқда. Замонавий илмий адабиётларда касалликни башорат қилиш, эрта ташхислаш, хавф гуруҳини аниқлаш ва асоратларини олдини олиш мақсадида унинг маркерларини аниқлаш, қон биокимёвий кўрсаткичларидаги ўзгаришлар, фетоплацентар тизимидаги қон айланишнинг ўзгариши, организмнинг фолат статуси ва унинг эндотелиал дисфункция юзага келишидаги ўрни, қон ивиш тизими кўрсаткичларининг бузилиши, аёлларда преэклампсия натижасида ривожланган акушерлик ва перинатал асоратларнинг эрта маркёрларини ўрганишга доир янги маълумотларни таҳлил қилиш баробарида кўпгина ечилмаган саволлар мавжудлиги аниқланди ва уларни ечимига бағишланган изланишларни ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга.

Республикамызда сўнгги йиллар давомида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, фертил ёшидаги аёллар гуруҳларида касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг асоратланишини камайтириш

¹WHO U, UNFPA, World Bank Group and the United Nations Population Division, author. Trends in Maternal Mortality 2000 to 2017. 2019.

² Incident Coronary Heart Disease After Preeclampsia: Role of Reduced Fetal Growth, Preterm Delivery and Parity / H.K. Riise, G. Sulo, G.S. Tell [et al.] // J. Am. Heart Assoc. 2021;6 (2).

борасида бир қатор кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...оила саломатлигини сақлаш, она ва болага юқори даражадаги технологик тиббий ёрдамни кўрсатиш, гўдақлар ва болалар ўлимини олдини олишга қаратилган мажмуавий чораларни тадбиқ этиш”³ каби вазифалар белгиланган. “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар алоҳида мақсад сифатида белгилаб қўйилган⁴.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3017-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига махсус тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари», “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорларида кўрсатиб ўтилган чора –тадбирлар ижросини таъминлашда аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Преэклампсия бутун дунё бўйлаб оналар ўлимининг ва перинатал касалланишларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари ҳомиладорлар гемостаз тизимининг нуқсонлари ва эндотелий бузилишлари ҳомиладорликда гипертензив ҳолатларни пайдо бўлиши, антенатал ва перинатал патологияларни ривожланишига сабаб бўлувчи омил эканлигини кўрсатади (Barton J.R., 2018; Hutcheon J.A., 2021). Қатор изланишларда турли соматик патологиялар, аёлларнинг паритети юқорилиги, эрта ва кечки ёшдаги аёлларда ҳомиладорлик преэклампсия ривожланишининг асосий хавф омилларидан бири эканлиги тасдиқланиб, унинг бошлаб берувчи механизми асосида гестациянинг физиологик эрта даврларида йўлдош тизими шаклланишидаги

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

юзага келган нуқсонлар ётиши таъкидланади (Phipps E.A., Zenclussen A.C., 2017; Jim B.C., Karumanchi S.A., 2020).

Прееклампсияда трофобластнинг юза инвазияси туфайли бачадон спирал артерияларининг етарли даражада яхши шаклланмаслиги, бунинг натижасида қоннинг нотўғри тақсимланиши, плацентада қон яхши айланмаслиги сабабли, унинг ишемияси, оксидловчи стресс, эндотелий хужайраларининг дисфункцияси, яллиғланиш цитокинларининг ошиши натижасида она организмда кўп тизимли шикастланишга олиб келади (Amanda J., MacFarlane Shazia H., 2019; Стрижаков А.Н., Сидорова И.С., 2020). Эндотелиал дисфукция ва гемостаз тизимидаги бу ўзгаришлар орган ва тўқималар микроциркуляцияси бузилишлари билан кечади ва полиорган етишмовчиликка сабаб бўлади (Счастливцев И.Б., Лобастов К.В., 2019; Мурашко А.В., 2020).

Мамлакатимизда етук олимлар томонидан преэклампсияни ўрганишга бағишланган қатор изланишлар, жумладан оғир преэклампсия кечирган аёлларда туғруқдан кейинги асоратларни клиник башоратлаш (Ихтиярова Г.А., Туксанова Д.И., 2016), ўзбек популяциясида анамнезида преэклампсия хавфи ва преэклампсия билан асоратланган аёлларда генлар полиморфизмларининг биргаликдаги таъсири (Ахмедов Ф.Қ., Негматуллаева М.Н., 2022), преэклампсияли ҳомиладорларда эндотелий дисфункцияси кўрсаткичлари ва яллиғланиш тизими маркёрлари (Каттаходжаева М.Х., Гайбуллаева Д.Ф., 2020), преэклампсия кузатилган аёлларда фетоплацентар қон айланишининг бузилиши (Бабаханова А.М., Юсупбаев Р.Б., 2022)ни ўрганишга оид бир қанча тадқиқотлар ўтказилган. Преэклампсиянинг келиб чиқиши ва патогезини ўрганиш бўйича ўз мактабига эга Курбанов Б.Б., Курбанов Д.Д. (2022) илмий ишларида преэклампсиянинг ривожланишида ренин ангиотензин тизими, эндотелиал дисфукция ва эстероген жинсий гармонлари регуляцияси бузилишининг ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Турли муаллифларнинг маълумотларига кўра, преэклампсия ва асоратларининг ривожланиш сабабларида ҳали ноаниқлик кўп ва бу ҳомиладорлик ва туғруқнинг номақбул кечиши, ҳамда акушерлик асоратлар фоизининг ошиши, муддатдан олдинги туғруқ ва юқори перинатал йўқотишларга олиб келиши аниқланган (Камилова М.Я., Рахматуллоева Д.М., 2021). Олиб борилаётган қатор илмий изланишлар, преэклампсияни ташхислаш ва даволаш бўйича юқори технологиларни қўлланилиб келинаётганлигига қарамасдан унинг эрта диагностикаси ва асоратларини олдини олиш, оғирлашув ҳамда оқибатларни башоратлашда ечимини кутаётган жабҳалар кўплиги бу соҳада ҳали изланишлар давом эттирилиши заруратини тақозо этади.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган илмий-текшириш муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат

тиббиёт институтида (06.2022 PhD 147) “COVID 19 дан кейинги даврда Бухоро вилояти аҳоли саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: преэклампсиянинг оғирлик даражасига кўра, акушерлик ва перинатал асоратларини башоратлашда биокимёвий ва гемостазиологик маркёрлар ахамиятини ўрганиш ва уларни олдини олиш.

Тадқиқот вазифалари:

ретроспектив текширув маълумотлари асосида, преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорларда, унинг оғирлик даражасига кўра ҳомиладорлик ва туғруқ кечишининг хусусиятлари ҳамда акушерлик ва перинатал оқибатларини ўрганиш;

преэклампсия билан асоратланган ҳомиладорларда биокимёвий ва гемостазиологик маркёрлар ҳамда уларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

преэклампсия хавфини ва оғирлик даражаларини ривожланишида биокимёвий ва гемостизиологик маркерларининг спецификлиги ва сезгирлигини ROC статистик таҳлили асосида аниқлаш, акушерлик ва перинатал асоратларларнинг ривожланиш эҳтимолини логистик регрессия ёрдамида башоратлаш;

преэклампсиянинг оғирлик даражаси асосида акушерлик ва перинатал асоратлар хавфини башоратлаш ва олдини олиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2- акушерлик ва гинекология кафедраси клиник базаси ҳисобланган Бухоро вилоят перинатал марказида кузатувда бўлган ва туғруқ амалга оширилган ҳомиладор аёллар олинди. Вилоят Перинатал маркази 2018-2019 йиллар мобайнида кузатувда бўлган ва туғруқ амалга оширилган ҳомиладорлар аёллар касаллик тарихларини ретроспектив таҳлили асосида ва 2020-2022 йилларда кузатувда бўлган 105 нафар преэклампсия кузатилган ҳомиладорлар ва 31 нафар ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёлларда проспектив тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқот предмети сифатида биокимёвий ва гемостазиологик маркёрларни аниқлашда бемор веноз қони намунаси ўрганилди.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида умумклиник, биокимёвий, инструментал, ультратовуш, доплерометрия, статистик тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

преэклампсиянинг оғирлик даражасига кўра ҳомиладорлик жараёнида кутилаётган асоратларнинг хавф омиллари (семизлик, экстрагенитал касалликлар, сурункали яллиғланиш ўчоқлари, гипергомоцистеинемия, гиповитаминоз D) ҳамда акушерлик ва перинатал асоратлар (нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт кўчиши, мудатдан олдинги туғруқ,

оператив туғруқ, респиратор дистресс синдром, ҳомила ўсишдан орқада қолиш синдроми, перинатал ўлим) аниқланган;

илк маротоба преэклампсиянинг турли оғирлик даражаларида биокимёвий маркерларни (лактатдегидрогеназа, С реактив оқсил, гомоцистеин, 25 (ОН) D витамини) ва улар орасидаги корреляцион ўзаро боғлиқлигини ўрганиш асосида уларнинг гемостаз тизимига таъсири аниқланган, ривожланиши мумкин бўлган акушерлик ва перинатал асоратларни клиникагача ташхислаш ва башоратлаш усуллари ишлаб чиқилган;

бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиш бузилишларини ривожланишида гемостаз тизимидаги ўзгаришларнинг аҳамияти аниқланган. Доппелерометрик ва биокимёвий кўрсаткичлар асосида антенатал даврда диагностик тадбирларни ўтказиш орқали акушерлик ва перинатал асоратларнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали эканлиги исботланган;

ROC статистик таҳлили асосида башоратловчи маркёрлар (лактатдегидрогеназа, С реактив оқсил, гомоцистеин, 25(ОН)D витамини, D димер)нинг преэклампсияни ташхислаш ва оғирлик даражасини баҳолашда спецификлиги ва сезгирлиги аниқланган ҳамда ривожланиши мумкин бўлган акушерлик ва перинатал асоратлар логистик регрессия усули ёрдамида башоратланган. Ўрганилган маркёрларнинг преэклампсия оғирлигини баҳолаш ва унинг асоратларини эрта ташхислашда, ҳомиладорлик, туғруқ ва ундан кейинги даврни олиб бориш режасини танлашдаги ўзига хос ўрни исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

преэклампсия билан касалланган аёлларни комплекс текширувида унинг оғирлик даражасини фарқлайдиган, ҳамда амбулатория ва стационар тармоқ шифокорлари учун ҳомиладорликнинг кутилаётган асоратларини башоратлаш ҳамда олдини олишга асосланган алгоритм ва ЭХМ дастур ишлаб чиқилган(№DGU 14080);

биокимёвий маркёрларнинг корреляцион боғлиқлигини ва уларнинг эндотелиал дисфункция ривожланишига таъсирини ўрганиш орқали ҳомиладорлик асоратларини эрта ташхислаш имконияти намоён этилган;

она ва бола учун ҳомиладорлик ва туғруқ натижаларини яхшилаш мақсадида ҳомиладорликни бошқаришнинг адекват тактикасини танлаш усули кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, танлов гуруҳларидаги ҳомиладорлар сонининг етарли эканлиги, замонавий клиник, функционал, биокимёвий текширулардан фойдаланилганлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан

таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти преэклампсиянинг оғирлик даражаси ва унинг асоратлар ривожланишига таъсирини башоратлаш имкониятини яратилган;

тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биокимёвий ва яллиғланиш маркёрлари (лактатдегидрогеназа, С реактив оксил, гомоцистеин, 25 (ОН)D витамини)дан асосий кўрсаткич сифатида фойдаланиш, гемостаз кўрсаткичлари (Д димер, фибриноген, ХНМ, АКТВ) ва уларнинг фетоплацентар тизим гемодинамик кўрсаткичлари билан ўзаро таъсирини ўрганишдан иборат бўлиб, бу етарли дифференциал профилактик, этиопатогенетик терапияни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда акушерлик ва перинатал натижаларни яхшилаш мақсадида самарадор тактикани танлаш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Преэклампсия кузатилган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни эрта башоратлаш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олинган тадқиқот натижаларига кўра, преэклампсия кузатилган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни эрта башоратлаш ва олдини олиш бўйича “Преэклампсия кузатилган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни башоратлаш ва олдини олиш мезонлари” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 февралдаги 8н-р/208 сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома преэклампсия мавжуд ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни башоратлаш имконини берган;

преэклампсияли ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни эрта башоратлаш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизими амалиётига, жумладан Бухоро шаҳар 5-сон оилавий поликлиникаси, шаҳар туғруқ комплекси ва Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси, амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 01 июндаги 8н-з/270 сонли хулосаси). Олинган илмий натижаларни амалиётга тадбиқ этиш преэклампсия кузатилган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратлар салмоғини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 4 та асосий боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Презклампися муаммосининг замонавий жабҳалари»** деб номланган биринчи бобида олиб борилган замонавий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар шарҳида презклампися ва унинг асоратларининг ривожланиш муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Презклампися ҳамда асоратларининг юзага келишида биокимёвий маркёрлар, гемостаз тизимининг хусусиятлари, ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришнинг замонавий жиҳатлари келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширув материаллари умумий тавсифи келтирилган, текширув усуллари тўлиқ ёритилган.

Клиник тадқиқотлар 2018-2022 йиллар давомида Бухоро вилоят перинатал маркази (БВПМ) ва шаҳар туғруқ комплексида олиб борилди. Тадқиқотлар 2 босқичда ўтказилди: 1чи босқичда 430 нафар презклампися ўтказган аёлларнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинди. Проспектив текширувга 136 нафар ҳомиладор аёллар текширувдан ўтказилди, улар уч гуруҳга ажратилган: биринчи гуруҳни 63 нафар енгил презклампися кузатилган ҳомиладорлар, иккинчи гуруҳни 42 нафар оғир презклампися кузатилган аёллар ва назорат гуруҳи 31 нафар нисбатан соғлом, ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёллар ташкил этди.

Текширувдан ўтказилган аёлларда соматик, гинекологик ва акушерлик статусининг хусусиятлари ўрганилди. Барча аёллар қабул қилинган протоколга биноан комплекс стационар текширувдан ўтказилди.

Қўйилган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда қуйидаги тадқиқот дастури ишлаб чиқилди: клиник-статистик таҳлил, уммуий клиник текширувлар, қоннинг биокимёвий таҳлили (лактатдегидрогеназа (ЛДГ), С реактив оксил (СРО), гомоцистеин), қондаги микроэлементлар (Са, Mg) ва витамин 25(ОН)D микдорини, гемостазнинг асосий кўрсаткичларини (D-димер, ХНМ, фибриноген, АҚТВ) аниқлаш, она-плацента -ҳоилага тизими функционал

ҳолатини баҳолаш учун ультратовуш ва доплерометрик текшириш усуллари БВПМда ўтказилди.

Беморларни тадқиқотга киритиш мезонлари: Тадқиқотга қўшилиш мезонлари қуйидагилар: ҳомиладор аёлнинг тадқиқотда иштирок этишига ихтиёрий розилиги, оғир ва енгил преэклампсия кузатилган ҳомиладор аёллар (ташхис "Касалликлар ва улар билан боғлиқ соғлиқ муаммоларининг халқаро статистик таснифи" X ревизиясига (МКБ 10) мувофиқ тузилган).

Барча гуруҳларда аёллар асосан 20-34 ёшда учради (54,7% дан 61,4%гача). 35 ёшдан катта аёллар тахминан $\frac{1}{3}$ қисмини ташкил қилди.

Тадқиқотдаги аёлларнинг туғруқлар сонини таҳлил қилганимизда енгил кечувчи преэклампсия гуруҳида соғлом ҳомиладорлар гуруҳидан кўпм фарқланмади, аммо оғир кечувчи преэклампсия гуруҳида эса биринчи туғруқ 1,84 мартаба назорат гуруҳига нисбатан кўп кузатилди.

Текширилган аёлларнинг гинекологик анамнезлари таҳлил қилинганда, енгил ва оғир преэклампсия гуруҳларида назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан гинекологик касалликлар учраши статистик ишонарли 1,59 ва 1,7 мартаба юқори бўлди. Абортлар ҳам 1,6 ва 1,7 мартаба бу гуруҳларда кўп кузатилди. Ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши ҳам преэклампсия кузатилган аёлларда юқори бўлди: преэклампсиянинг енгил даражасида 1,6 мартаба ва оғир даражасида 1,7 мартаба назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан кўп кузатилди ($p < 0,05$).

Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди, олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ўрганилиб, хато эҳтимолини (p) ҳисоблаш билан Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ўрганилган маркёрларнинг сезгирлиги ва спецификлигини аниқлаш мақсадида ROC статистик таҳлили, маркёрлар кўрсаткичларига нисбатан акушерлик ва перинатал асоратлар ривожланиш хавфини башоратлаш мақсадида логистик регрессия статистик усуллари ўтказилган.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорлиги преэклампсия билан асоратланган аёлларда акушерлик ва перинатал натижаларининг ретроспектив таҳлили**» деб номланган учинчи бобида Бухоро вилоят перинатал марказида 2018-2019 йиллар мобайнида кузатувда бўлган ва туғруқ масаласи ҳал қилинган 430 нафар преэклампсия кузатилган ҳомиладорларнинг туғруқ тарихлари ретроспектив ўрганиб чиқилди. Уларнинг 278 нафарида (64,4%) преэклампсиянинг оғир даражаси ва 152 (35,6%) та ҳомиладорда енгил преэклампсия ташхисланган.

Ретроспектив таҳлиллар шуни кўрсатдики преэклампсия билан асоратланган аёлларнинг орасида уй бекалари 235 (54,6 %) ва ишчилар 156 та (36,3%)ни ташкил қилди, ҳомиладорларнинг 39 нафари (9,1%) талабалар улушига тўғри келди.

Туғруқ тарихлари ретроспектив ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ҳомиладорликкача ва ҳомиладорлик вақтида 312 нафар аёлларда (72,55%) камқонликнинг турли даражалари аниқланган, шулардан камқонликнинг оғир даражалари 48 (11,7%) та аёлда аниқланган. Соматик патологиялар орасида етакчи ўринда семизлик бўлиб 243 (56,5%) ни ташкил этди. Ваҳоланки, семизлик преэклампсия ривожланишининг асосий хавф омили сифатида баҳоланади.

Туғруқ тарихлари ретроспектив ўрганилганда преэклампсиянинг оғирлашганлиги ҳолатлари ҳам аниқланди. 73 (17%) нафар ҳолатда гестацион гипертензия преэклампсия оғир ҳолатига, 128 (29,7%) та аёлда преэклампсия энгил даражаси оғир преэклампсияга ва бир нафар аёлда оғир преэклампсия эклампсия хуружининг ривожланишига сабаб бўлганлиги аниқланган.

1- жадвал

Ретроспектив ўрганилган аёлларнинг акушерлик асоратлар тахлили(%)

Патология	абс.	%
Муддатидан олдинги туғруқ	232	54
Опертив туғруқ	292	67,9
Туғруқдан кейинги қон кетишлар	27	6,3
Қоникарсиз туғруқ фаолияти	25	5,8
ТТИҚИ	7	1,62
Эклампсия	1	0,23
HELLP синдром	2	0,46
Бачадон субинволюцияси	48	11,2
Туғруқ жароҳатлари	24	5,8
Сепсис	1	0,23
Йўлдош қолдиғи	31	7,2
Бачадон ичини қўл билан тозалаш	68	15,2
НЖЙБК	32	7,6
Бачадон ағдарилиши	1	0,23
Катта хажмли операциялар (гистерэктомия)	5	1,16

Акушерлик асоратларни ретроспектив ўрганилганда преэклампсиянинг асоратлари сифатида асосан муддатидан олдинги туғруқлар (54%), оператив туғруқ (67,9%), нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт кўчиши (НЖЙБК) кузатилганлигини (7,6%) аниқладик (1-жадвал).

Перинатал асоратлар таҳлил қилинганда преэклампсия кузатилган оналардан туғилган болаларда асосан респиратор дистресс синдром (РДС) (21,4%), асфиксия ва ҳомиланинг ўсишдан орқада қолиш синдроми (ХЎОКС) (9,5%) кузатилган. Ўрганилган туғруқ тарихлари орасида 44 нафар перинатал ўлим қайд этилган бўлиб, булардан 12 нафари ҳомиланинг антенатал ўлими ва 32 нафар болада эрта неонатал ўлим кузатилган.

Диссертациянинг “Презкламписияни кузатилган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратлар истикболини белгилашнинг замонавий жиҳатлари” номли тўртинчи бобида ҳомиладорларни презкламписияни кечишига кўра клиник тавсифи, биокимёвий маркёрлар, гемостаз тизими кўрсаткичлари ва витамин 25(ОН)D етишмовчилигининг презкламписия кечишини баҳолашдаги роли, презкламписия билан асоратланган аёлларда биокимёвий кўрсаткичлар ва коагуляцион гемостаз ўртасидаги муносабатни таҳлил қилиш, презкламписияни ва оғирлик даражаларини ташхислашда биокимёвий кўрсаткичларнинг ROC- таҳлили ва презкламписия асоратларининг ривожланиш хавфини турли лаборатория параметрларига боғлиқлигининг логистик регрессияси келтирилган.

Коагуляцион гемостаз плазма омиллари иштирокидаги реакциялар каскадидан иборат. Бизнинг ишимизда коагуляцион гемостаз қон ивишининг уч босқичида ҳам ўрганилди. Қон ивишининг биринчи босқичини баҳолаш плазмадаги АҚТВ презкламписияли гуруҳларда қисқаришига моиллигини кўрсатди. Бу эса презкламписияли ҳомиладорларда назорат гуруҳига нисбатан қон ивиш вақтининг қисқариши плазма гемостазида аниқ гиперкоагуляцион силжиш борлигини кўрсатди.

2-жадвал

Тадқиқотга киритилган ҳомиладор аёлларнинг гемостазиологик кўрсаткичлари (M±m)

Кўрсаткичлар	1чи гуруҳ, n=63	2 гуруҳ, n=42	Назорат гуруҳ, n=31
Гемоглобин, г/л	93,58±3,03 ^a	93,81±2,27 ^a	105,4±1,99
Гематокрит, %	36,78±1,13 ^a	35,44±1,17 ^a	38,7±2,34
Тромбоцит, x10 ⁹ /л	192,2±6,15	191,1±2,57 ^a	218,7±7,75
Фибриноген, г/л	4,18±0,14	5,6±0,27	3,61±0,10
АҚТВ, сек	25,35±0,75	21,8±0,53	28,74±0,52
ПТИ, %	88,87±1,06	95,09±1,26	86,87±0,90
ХНМ	1,071±0,01	1,084±0,007	1,06±0,023

Эслатма: а – 3чи (назорат) гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишонарли (p<0,05), б – 1чи ва 2чи гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишонарли (p<0,05).

Плазма гемостазининг иккинчи босқичини тавсифлаш учун ПТИ ва ХНМ ўрганилди. Олинган натижалар гуруҳлар орасидаги фарқлар ПЭ ривожланган ҳомиладорларда қон ивишининг иккинчи босқичида қоннинг гиперкоагуляция томон сезиларли даражада силжишини кўрсатди.

Фибрин толаларини парчаланишида кичик молекулалар қолдиқлар ҳосил бўлади, уларни D-димерлар деб номланади. D-димер тромб деградация маҳсулоти бўлиб, презкламписияда унинг ошиши кузатилди. Назорат гуруҳида D-димер миқдори 727,9±19,5 нг/млни ташкил қилди. Бу кўрсаткич ҳомиладор бўлмаган аёллар кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлиб, бундай ўзгаришлар ҳомила ўсиши билан боғлиқдир. 1чи гуруҳда D-димер миқдори 949,7±31,7 нг/мл, 2 гуруҳда эса беморларда 1057,4±36,9 нг/млгача

кўтарилди, яъни назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,3 ($p < 0,05$) ва 1,45 ($p < 0,01$) мартаба юқори бўлди (2-жадвал).

Тадқиқотга киритилган барча аёлларда қоннинг биокимёвий таҳлили ўтказилди. Биз ҳомиладорларнинг қон плазмасида ЛДГ миқдорини ҳам аниқладик (3-жадвал). Ўтказилган тадқиқотлар физиологик ҳомиладорликнинг 28 ҳафтасида умумий ЛДГ фаоллиги $266,1 \pm 10,53$ ХБ/л ташкил қилган бўлса, преэклампсиянинг енгил даражаси кузатилган аёлларда статистик ишонарли 2,14 ($p < 0,001$) мартаба ортиб $569,03 \pm 19,45$ ХБ/лни ташкил қилди. Преэклампсиянинг оғир даражаси кузатилган ҳомиладорларда бу кўрсаткич яна ҳам ортиб борди ва 3чи гуруҳ кўрсаткичларидан 2,63 ($p < 0,001$) мартаба юқори бўлса, 1чи гуруҳ кўрсаткичларидан 1,27 ($p < 0,05$) мартаба юқори бўлди. Олинган натижалар ҳомиладорларда ва ҳомилада гипоксия ривожланаётганидан, глюкозани анаэроб оксидланиши устунлигидан далолат беради, бу эса лактоацидоз ривожланишига ва она ҳамда ҳомила учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

3-жадвал

Текширилган ҳомиладорларнинг биокимёвий кўрсаткичлар ($M \pm m$)

Биокимёвий кўрсаткичлар	1чи гуруҳ, n=63	2чи гуруҳ, n=42	3чи гуруҳ, n=31
Умумий оқсил, г/л	60,88±0,64	60,5±0,66	64,42±0,43
Мочевина ммоль/л	6,88±0,28	6,65±0,20	7,25±0,29
Креатинин, мкмоль/л	67,21±1,95	78,52±0,91	66,70±1,92
ЛДГ, Ед/л	569,03±19,45 ^а	701,09±36,41 ^{а,б}	266,1±10,53
Гомоцистеин, мкмоль/л	19,13±0,62 ^а	24,77±1,14 ^{а,б}	9,77±0,48
СРО, мг/л	23,65±1,85 ^а	45,12±1,33 ^{а,б}	5,23±0,204
Витамин 25(ОН)D, нг/мл	16,06±0,975 ^а	13,80±0,89 ^а	24,73±1,57
Кальций ммоль/л	2,19±0,28	2,11±0,34	2,32±0,45
Магний ммоль/л	0,98±0,003	0,87±0,02	1,02±0,045

Эслатма: а– 3чи (назорат) гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишонарли ($p < 0,05$), б – 1чи ва 2чи гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишонарли ($p < 0,05$).

Ўтказилган тадқиқотлар физиологик ҳомиладорлик бўлган гуруҳда қон плазмасида СРОнинг миқдори $5,23 \pm 0,204$ мг/л ташкил этган бўлса, преэклампсиянинг енгил даражасида статистик ишонарли $23,65 \pm 1,85$ мг/лгача кўтарилди ва меёрий кўрсаткичлардан 4,52 ($p < 0,001$) мартаба юқори бўлди (3-жадвал). Преэклампсиянинг оғир даражаси ривожланган ҳомиладорларда қон плазмасида $45,12 \pm 1,33$ мг/лгача ортди. Бу назорат гуруҳи ва 1чи гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 8,76 ($p < 0,001$) ва 1,94 ($p < 0,001$) мартаба юқори бўлди. Қон зардоби таркибидаги микроэлементлар миқдори ўрганилганда преэклампсия кузатилган гуруҳдаги ҳомиладорларда енгил гипокальцемия кузатилди, магний миқдори ҳам физиологик кечаётган ҳомиладорларга нисбатан биринчи ва иккинчи гуруҳда паст кўрсаткичлар қайд этилган бўлса ҳам, бу норма чегарасида эди.

Энгил преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларнинг биокимёвий қон кўрсаткичлари ва коагуляцион гемостаз кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни ҳам ўрганиб чиқдик. Тадқиқотимизга жалб қилинган ҳомиладор аёлларнинг таҳлил натижари бўйича аниқланишича, жами 20 та корреляция аниқланган, шундан 15 таси салбий, 5 таси ижобийдир. Бундан ташқари, 10 таси боғлиқлиги заиф бўлиб ($r < 0,5$), умуман корреляцион боғлиқлик йўқ, 7 таси ўртача корреляцион боғлиқликка эга ($r = 0,5$ дан $0,5$ гача), қолган 3 таси кучли корреляцион боғлиқликка эга ($r > 0,7$). Шунингдек, улардан 15 таси салбий ва 5 таси ижобий корреляцияга эга (4-жадвал).

4-жадвал

Биокимёвий қон кўрсаткичлари ва коагуляцион гемостаз кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция таҳлили

Коагул. Гемостаз	D-димер	Фибриноген	АҚТВ	ПТИ	ХНМ
Биокимёвий кўрсаткичлар					
Гомоцистеин	-0,52	-0,77	-0,25	-0,18	-0,19
ЛДГ	-0,13	-0,11	-0,68	-0,12	-0,13
СРО	-0,15	-0,27	0,17	-0,29	0,58
Витамин 25(OH)D	0,29	0,25	-0,51	0,95	-0,016


Энг кучли боғланишлар D-димер/гомоцистеин ($r = -0,52$), фибриноген/гомоцистеин ($r = -0,77$), АҚТВ/ЛДГ ($r = -0,68$), АҚТВ/ВитD ($r = -0,51$), ПТИ/ВитD ($r = 0,95$), ХНМ/СРО ($r = 0,58$) орасида бўлди.

Тадқиқотимизга жалб қилинган, оғир преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларнинг коагуляцион гемостаз кўрсаткичларини ҳар бирни биокимёвий кўрсаткичлари билан таҳлил қилганда, D-димер билан боғланиш улуши 100%, фибриногенда 75%, АҚТВда 25%, ПТИда 50%, ХНМ да 25% ни ташкил этди. Ўрганилган тадқиқот натижалари ва биз олиб борган тадқиқотлар натижалари солиштирилганда энг кучли корреляция D-димер ва фибриноген улушига тўғри келади. Кўрсаткичлар орасидаги кучли боғланишларни ифодаловчи кучли корреляциялар ($r > 0,7$) мавжудлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, D-димер билан 4 боғланиш (100,0%), фибриноген билан 3 боғланиш (75,0%), ХНМ билан 2 боғланиш (25%), АҚТВ ва ПТИ ўртасида мустақам алоқалар йўқ эканлигини кўрсатди.

Оғир преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларнинг биокимёвий кўрсаткичларини ўзаро корреляцион боғлиқлигини таҳлил қилганимизда (1-расм) гомоцистеин/СРО ($r = 0,76$), гомоцистеин/ЛДГ ($r = 0,87$) ўртасида кучли корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди. Гомоцистеин ва витамин D орасида корреляцион боғлиқлик аниқланмади.

Диссертацияда преэклампсияни эрта ташхислаш ва оғирлигини баҳолашда биокимёвий кўрсаткичларнинг ROC эгри чизиғида ўзига хос ўзгаришлари ва асоратларининг юзага келишини башоратлашда биокимёвий


кўрсаткичларининг аҳамиятини логистик регрессия усули ёрдамида аниқлангани батафсил баён этилган.



1-расм. Оғир преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларнинг биокимёвий кўрсаткичларини ўзаро корреляцион боғлиқлиги

ЛДГнинг касалликни ташхислашда аҳамиятини аниқлаш учун ўтказилган, ROC таҳлили касалликнинг диагностикасида юқори қийматга эга эканлигини кўрсатди $AUC=0,97$ га тенг бўлди. Олиб борган тадқиқотимизда преэклампсия билан асоратланган аёлларда ЛДГ плазмадаги миқдори >357 ХБ/л га тенг бўлиб преэклампсия ривожланишида юқори хавфни кўрсатади (спецификлик 95,9 %, сезувчанлик 93,5%) ташкил қилди. ЛДГ нинг 357 ХБ/л дан юқори бўлиши, ҳар 10 ХБ/л учун касаллик хавфи 2,14 марта оширади.


2-расмда ЛДГ кўрсаткичи учун ROC эгри чизиғи кўрсатилган. Преэклампсиянинг енгил ва оғир даражаларини аниқлашда ЛДГнинг диагностик аҳамиятини ROC эгри чизиғи орқали таҳлил қилганимизда $AUC=0,62$ га тенг бўлди. Тадқиқотимиздан олинган натижаларда, ЛДГнинг қондаги концентрацияси эса > 560 юқори бўлиши, преэклампсиянинг оғир кечишидан далолат беради, бунда спецификлик 65,6 %, сезувчанлик 78,6 % ташкил қилди.



2-расм. Преэклампсиянинг оғирлик даражасини аниқлашда ЛДГ кўрсаткичи учун ROC эгри чизиғи

Демак, қон плазмасида ЛДГ миқдорини ортиб бориши ПЭ оғирлашувини билдиради ва предиктор сифатида ишлатилиши мумкин.

Гомоцистеиннинг диагностик аҳамиятини аниқлаш учун ўтказилган ROC таҳлили, преэклампсияни ташхислашда юқори қийматга эга эканлигини кўрсатди $AUC=0,88$ тенг бўлди. Унинг қондаги концентрацияси преэклампсия билан асоратланган аёлларда >18 мкмоль/л дан юқори бўлди, бу эса юқори хавфни кўрсатади (сезувчанлик 90,5%; спецификлик 87,1%). Гомоцистеиннинг ҳар >7 мкмоль/л ошиши преэклампсия келиб чиқиш хавфини 69,8% га оширади. 3-расмда “Гомоцистеин мкмоль/л” кўрсаткичи учун ROC эгри чизиғи кўрсатилган. Касалликнинг оғирлигини аниқлашда ROC таҳлили шуни кўрсатдики $AUC = 0,74$ га тенг бўлди, бу эса амалда преэклампсия предиктори сифатида фойдаланиш имкониятидан далолат беради. Олиб борган тадқиқотимизда преэклампсия билан асоратланган аёлларда гомоцистеиннинг плазмадаги миқдори >22 мкмоль/л ни ташкил қилиши, преэклампсиянинг оғирлашувини кўрсатди (спецификлик 75,0 %, сезувчанлик 73,7%). Қонда гомоцистеин миқдорининг >18 мкмоль/л дан ошиши оғир преэклампсия хавфини 75% га оширади.




3-расм. Преэклампсиянинг оғирлик даражасини аниқлашда гомоцистеин кўрсаткичи учун ROC эгри чизиғи (касаллик даражаларини аниқлаш модели).

Ўтказилган ROC таҳлили шуни кўрсатдики С-реактив оқсил преэклампсияни аниқлашда юқори прогностик қийматга эга бўлиб ($AUC=0,96$) тенг бўлди, СРО миқдори қонда >8 нмоль/л ни кўрсатди. Бу кўрсаткичлардан далолат берадики, СРО преэклампсиянинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга (сезувчанлик 97,3%; спецификлик 96,8%). СРО даражасининг 8 нмоль/лдан ошиши билан ҳар 1 нмоль/л учун касаллик хавфи 7,56 фоизга ошади. ROC таҳлили преэклампсиянинг оғирлик даражаларини аниқлашда нисбатан паст қийматга эга ($AUC=0,63$), унинг қондаги миқдори >28 нмоль/л тенг бўлиши преэклампсиянинг оғир даражасиги


хослигини кўрсатади, бунда сезувчанлик 83,3%, спецификлик 65,6% (4-расм).

25(OH)D витаминининг диагностик аҳамиятини аниқлаш учун ўтказилган ROC таҳлили преэклампсиянинг ташхислашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. ROC эгри чизиғида $AUC=0,81$ тенг бўлди, бундан кўриш мумкинки витамин 25(OH)D юқори қийматга эга эканлиги ва предиктор сифатида талқин қилиш мумкинлигини кўрсатади, унинг миқдори қон зардобида <20 нг/мл бўлиши юқори хавфга эга бўлиб, преэклампсиянинг ривожланишини кўрсатади (спецификлик 71,0 %, сезувчанлик 86,5 %).



4-расм. Преэклампсиянинг оғирлик даражасини аниқлашда “СРО” кўрсаткичи учун ROC эгри чизиғи


Преэклампсияни оғирлик даражасини аниқлаш учун ўтказилган ROC – таҳлили шуни кўрсатдики, витамин 25(OH) D диагностик қиймат оғир ва энгил преэклампсия билан асоратланган аёлларни ташхислашда диагностик қийматга эга эмас $AUC = 0,52$ га тенг, (спецификлик 68,9%, сезувчанлик 64,3%). Аммо қон зардобидаги миқдори <13 нг/мл бўлиши касалликни оғир кечишини кўрсатди (5-расм).



5-расм. Преэклампсиянинг оғирлик даражасини аниқлашда витамин 25(OH)D кўрсаткичи учун ROC эгри чизиғи

D-димернинг диагностик аҳамиятини ўрганиш учун ROC- таҳлилни ўтказилган, бунда AUC=0,81 тенг бўлиб, юқори диагностик самарадорликка эга эканлигини кўрсатди. Қонда, унинг миқдори >872нг/мл ни кўрсатди. Преэклампсиянинг ривожланишида (сезувчанлик 82,4%; спецификлик 71,0%). D-димер даражасининг 670 мкмол/л дан ошиши билан касаллик хавфи ҳар 10 мкмол/л учун 15% га ошади.

Преэклампсиянинг оғирлик даражасини аниқлашда ROC- таҳлили ўтказганимизда AUC=0,47 га тенг бўлди, енгил ва оғир преэклампсияни бир-бири билан таққослаганимизда, юқори диагностик самарадорликка эга эмас, миқдори >959нг/мл ни ташкил қилиши оғир преэклампсия ривожланганлигини билдиради (сезувчанлик = 71,4%; спецификлик = 46,9%) (6-расм).



6-расм. Преэклампсиянинг оғирлик даражасини аниқлашда D-димер кўрсаткичи учун ROC эгри чизиғи

Оғир ва енгил преэклампсия билан асоратланган ҳомиладор аёлларни ҳомила ўсиши орқада қолиш синдромини бинар логистика усулида таҳлил қилганимизда, ЛДГ, D-димер, гомоцистеин, СРО, ошишини, витамин 25(OH)D нинг эса камайиши кузатилган. Бу келтирилган биокимёвий кўрсаткичлардан СРО ва гомоцистеин ҳомиланинг ўсишдан орқада қолиш (ХЎОҚ) синдромини аниқлаш маркёрлари бўлиши мумкин.

5-жадвал

